

Наманганинг Косонсой туманида «Эшонбобо» масжиди янгидан қурилмоқда



15:28 / 10.08.2021 3373


Наманган вилоятининг Косонсой туманида 150 йиллик кўҳна масжид ўрнига янгиси барпо этилмоқда. Бу ҳақда «Дарё» мухбири Азизбек Абдувалиев хабар берди.

Туманнинг «Тағижар» маҳалласида жойлашган «Эшонбобо» масжиди кейинги йилларда нураб, бинога путур етишни бошлаганди. Қолаверса, бор-йўғи 120 кишига мўлжаллангани боис кейинги пайтларда намозхонлар ичкарига сиғмай, жаноза, жума ва ҳайит намозлари кўчада ҳам ўқиладиганди.

«Бу жойлар зах бўлгани сабабли масжидни баландликка, катта йўл ёқасига кўчиришга қарор қилинди. 2019 йил июль ойида қурилиш

бошланди. Катта ҳомийларимиз йўқ, ҳашар йўли билан барпо этиляпти. Лойиҳаси ажойиб ва кўриниши ниҳоятда гўзал бўлгани учун ҳали битмасидан туриб Фарғона ва Андижон, Самарқанд ва Жиззахдан ҳам келиб кўриб кетишяпти», — дейди маҳалла оқсоқоли Хошимжон Охунов.

Image not found or type unknown




Ушбу масжидни лойиҳалаштирган Адҳамжон Умаров шу пайтгача республиканинг турли вилоятларида 150 дан ортиқ масжиднинг қурилишига бош-қош бўлган. Энди ўзи туғилиб-ўсган юрт олдидаги қарзни ўташ фурсати ҳам келди.

Image not found or type unknown



«Масжидимиз қурилишида динимизга оид сана ва рақамлар уйғун бўлиб боряпти. Бинонинг диаметри 30 метр — Қуръоннинг 30 порасига монанд. Асосий гумбазнинг баландлиги 27 метр, Қадр кечасини ёдимизга солади. Ёнидаги тўртта кичик гумбаз тўрт халифага ишора. Бўлажак миноранинг баландлиги пайғамбаримиз яшаб ўтган йилларга қиёсан 63 метр. Унга олиб чиқадиган зиналар эса Қуръон суралари сони билан бир хил — 114 та», — дейди Адҳамжон Умаров.

Image not found or type unknown



Умаровнинг айтишича, янги масжидга айвонлари билан қўшиб ҳисоблаганда 5 минг киши сиғади. Унинг асосий гумбази диаметри қарийб 15 метр бўлиб, титан қопламаси Россиянинг Краснодар ўлкасидан келтирилган. Қоплама қаерга ишлатилишидан хабар топган ўша ердаги тадбиркорлар йўл харажатлари ва божхона тўловларини ҳам зиммасига олишибди.

Image not found or type unknown



«Косонсой аҳли масжид қурилиши учун жуда катта ҳисса қўшяпти. Кимдир цемент, кимдир ёғоч ёки арматура. Ҳатто тўрт туп терагидан иккитасини бериб, нега ишлатмаяпсизлар дея хафа бўлаётганлар бор. Нақл қилинишича, масжид учун битта шам ёққан кишига то ўша шами ўчгунига қадар фаришталар истиффор айтиб, ажри қиёматга қадар борар экан. Масжид 60-70 фоизга битиб қолди, Инша Аллоҳ, бир йил ичида кўчиб ўтамиз. Узоқ вақт мобайнида халқимизга хизмат қилсин. Ўзи камида 500 йилни ният қилиб қуриляпти бу бино», — дейди «Эшонбобо» жоме масжиди имом-хатиби Ибодулло Усмонов.

Маълумот учун, бугунги кунда Косонсой туманида 18 масжид фаолият олиб бормоқда. Улардан иккитаси мукамал таъмирланяпти, учтаси,

жумладан, «Эшонбобо» масжиди қайтадан бунёд этилмоқда.

Барчамиз ушбу масжид қурилишида кўмаклашайлик!

Манба: daryo.uz